



Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,  
Куюндек хар замон бир кўрмаган водийда саргардон!

Не андуху малолимга балият дашти дек гоят,  
Не савдою жунунимга маломат бахриддек поён!

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим гамноку багрим чок,  
Тилим лолу таним бехол, ишим афгон, сиришком кон!

Заифу дарду гам пеша, нахифу меҳнат андиша,  
Залилу бесару сомон, катили ханжари хижрон!

Фигонимдин фалак гамгин, сиришкимдин жахон рангин,  
На ишким ўтига таскин, на хажрим дардига дармон!

Бошим гам тошидин пора, таним хажр ўкидин ёра,  
Кўнгул бу ёрага чора топарга топмайин имкон!

Кўзум намлик, бўюм хамлик, ичим андуху мотамлик,  
На хамдамлик, на мархамлик топиб бу меҳнати пинхон!

Манга не ёру не хамдам, манга не дўст, не махрам,  
Манга не чора, не мархам, манга не сабру не сомон!

Бу ахволи табохимдин, фигони умркохимдин,  
Хам ўтлук дуди охимдин карориб кулбаи ахзон!

Фалан рахзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,  
Колиб жон хисравидин тан, чикиб тан кишваридин жон!

Навоий, бўлса меҳнат кўп, ичокўр жоми ишрат кўп,  
Неча бўлса суубат кўп, килур ваҳдат майи осон!

Бу газал ижтимоий лириканинг энг ёркин намуналари жумласига киради. У «Хазойин ул-маоний»да йигитлик йиллари девони сифатида тасниф этилган «Наводир уш-шабоб» таркибига киритилган бўлса-да, аслида қарилик йиллари фаолиятига мансуб.

Лирик қаҳрамон — муаллиф «мен»ининг ҳаяжонли нафаси — ҳайкириги қаби жарангловчи бу газал даврон жабри зулмию тақдир кемтикларидан фалак бедодию машаққатли турмуш ташвишларидан, замона ахлининг бемехр-шафқатсизлигию инсоннинг бекадрлигидан мунгли шикоят, кескин норозилик тарзида ёзилган.

Газалдаги деярли ҳар бир мисра эрк-ҳуқуқлари, гурур-шарафи топталган, ҳам маънан, ҳам жисман эзилган покиза ва ҳалол инсоннинг чуқур изтиробни, айни замонда, чексиз қаҳри билан йўғрилган. Газал бағридан ёвуз кучлар тарафидан оғир азоб-уқубатлар гирдобига улоқтирилган толеи паст ва унутилган қалбнинг дарднок тугёни уфуриб туради, бундай аянчли, адолатсиз ҳолат билан асло келиша олмаслик, норозилик оҳанги баралла эшитилади.

Навоий ана шундай жиддий ижтимоий гоё-мазмунни таъсирчан ифодалашда юқсақ бадий маҳоратини намойиш этган. Шоир қўллаган ҳар бир истиора, тазод, сифатлаш ёки ташбих, ҳар бир қиёс ёки муболага мантикий ургули бўлиб, газалнинг умумий қораловчи руҳи, шикоят оҳанги ва исёнқор йўналишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилади. Газал байтлари шиддат — ички ҳаяжон-ундов билан ўқилади.

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,  
Куюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон!

Газалнинг мазкур бошланма байтидаёқ бутун асар учун етакчи бўлган исёнқор руҳ ва кескин норозилик ёркин ифодасини топган.

...Бало-қазолар даштида жудоликда юрган Мажнун не-не оғир қунларни бошидан кечирганлиги ҳаммага маълум. Аммо, унинг кўрганлари, фиғон чекади шоир, мен тортаётган азоб-уқубатлар олдида ҳеч нарса эмас; менингдек бир нафас тинчлик-осойишталик билмаган, водийдаги чанг-тўзондек сарсон-саргардон қимсани ҳеч қим кўрмаган. Байтдаги «даврон» сўзи бу ўринда асл маъносини ўзгартириб, «бошга тушган қулфатлар, оғир қунлар» мазмунини, умуман, адолатсизлик ва зўравонликни ўзида жамлаб ифодалайди.

Газалнинг кейинги байтлари ана шу мисли қўрилмаган «даврон»ни, қуюндек қадрсизлик ва сарсон-саргардонликни гўё шарҳлаб, изоҳлаб келади, яққол шеърини образларда суратлантиради.

Не андуҳу малолимга балият даштидек гоёт,  
Не савдою жунунимга маломат баҳридек поён.

Чунки, изохланади иккинчи байтда, мен чекаётган гам-гуссаю кайгу мусибатнинг на ранжу кулфат даштидек чек-чегараси бор ва на булар окибатида юзланган шайдолигу телбалигимнинг маломат денгизидек хадду худуди бор!

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим гамноку багрим чок, Тилим лолу танним бехол, ишим афгон, сиришким кон!

Янада гамгин, янада кайгули охангда айтилган бу байтда кескин бахс, катъий хукм рухи сезилади.

...Кечам тим коронгу, безиё («дайжур»), дейилади байтда, ўзим ранжу озор, мусибат остидаман («ранжур»); ичим гам-гуссага тўла («гамнок»), багрим эса тилка-пора («чок»); тилим тутилган, танним заиф, холсиз, ишим оху фигон чекишу кўзимдан конли ёш окизиш...

Шоир лирик кахрамоннинг ночор ахволини, юрагини тирнаётган мусибатни ёркин ифодалай оладиган жуда кучли ва сермаъно сўз-образларни («дайжур», «ранжур» «гамнок», «чок», «лол», «бехол», «афгон», «кон»,) топа олади. Бугина эмас. Шоир худди шу сўзларга мантикий ургу юклаб, улардан кофия сифатида фойдаланади, натижада байт мисралари саккиз тенг бўлакларга бўлиниб, уларнинг хар бири хукму махкум рухини эгаллайди:

- 1) Тунум дайжур!
- 2) Ўзум ранжур!
- 3) Ичим гамнок!
- 4) Ва багрим чок!
- 5) Тилим лол —
- 6) Танним бехол!
- 7) Ишим афгон!
- 8) Сиришким кон.

Айтиш керакки, газалнинг шу байтидан бошлаб, умумий ягона кофияланишдан ташкари, хар бир байт мисраларининг мустакил ички кофияланганини кузатамизки, бу хол асарнинг бадий жихатдан баркамоллиги ва таъсирчанлигини ниҳоятда оширган.

Заифу дарду гам пеша, нахифу мехнат андиша,  
Залилу бесару сомон, катили ханжари хижрон!

Лирик «мен»нинг ўз икрорича: у дарду гамнинг доимий йўлдошлигидан заиф, чексиз азоб-укубатлар ва хавфу хатардан озиб-тўзиб кетган, хору зор, айрилиқ ханжари уни катл этган.

Фигонимдин фалак гамгин, сиришкимдин жахон рангин,  
На ишким ўтига таскин, на хажрим дардига дармон!

Яъни: менинг чекаётган оху ноламдан фалак кайгу-мотамда. Тинимсиз окаётган конли кўз ёшимдан бутун борлик кизил ранг олган. На ўртаётган ишким ўтига таскин ва на айрилик дардига шифо топаман.

Бошим гам тошидин пора, таним хажр ўкидин ёра,  
Кўнгул бу ёрага чора топарга топмайин имкон!

Байтда шоир «гам тоши», «хажр ўки» бирикмаларини кўллайди. Айтиш керакки, бу бирикмалар ҳам жуда кенг мазмунни ифодаловчи рамзий образлар даражасига кўтарилган. Бу ўринда лирик «мен»нинг инсоний шарафи ва кадру кимматини топтаган ижтимоий ёвуз кучларга, зўравонлик ва адолатсизликка нисбатан кучли киноя бор. Ана шундай ижтимоий мазмундор «гам тоши»нинг тинимсиз зарбалари, «хажр ўки»нинг эса узлуксиз кадалиши натижасида лирик «мен»нинг боши пора-пора, бутун танаю аъзолари яра-чака, аммо, бундай гам-мусибатлардан, кайгу-аламлардан кутулиш чораларини топишнинг иложи йўк...

Кўзум намлик, бўюм хамлик, ичим андуху мотамлик,  
На хамдамлик, на мархамлик топиб бу мехнати пинхон!

Кўринадики, газалнинг барча байтлари бири-бири билан мустахкам боглик, бир-бирини тўлдиради, мазмунан чуқурлаштиради, далиллайди. Келтирилган байтда ҳам етакчи мавзу янгича кирраларда очилган: кўзим ёш билан тўла, кадду бўйим букик, эгик: ичим эса гам-гуссага тўлиб тошган, юрак-багрим мотам-мусибат билан йўгрилган; вужудимни ўртовчи пинхона бу азоб-кийноқларга на мархам топа оламан, на дардлаша оладиган хамдамим бор!

Кейинги байт шу гамгин таъкидни янада катъийлаштириб, янада бўрттириб ифодалаш максadini кузатади. Айни замонда, бу байт ҳам Навоийнинг юксак бадий санъатига, мисрага тизилган хар бир сўз имкониятларини бош мақсад-гояга тўла-тўқис хизмат эттириш махоратига ёркин мисол бўла олади. Байтда хаммаси бўлиб ўнта сўз иштирок этади. Улардан бири — инкор «не» саккиз маротаба, иккинчиси — «манга» тўрт ўринда кайта-кайта келади. Аммо шоирнинг мохир санъаткорлиги шундаки, бу такрорларнинг ҳеч бирини ноўрин ёки гашга тегувчи, гализлик тугдирувчи оддий кайтарик деб бўлмайди. Аксинча, улар хар бир муайян холатда жиддий маънавий вазифани ўтайди, гоёни кучайтириб, холатнинг чиндан ҳам фожеъ мохиятини очади, охангга шиддат ва суръат бахш этиб, уни хитоб, хайкирик даражасига кўтаради:

Манга не ёру не хамдам, манга не дўст, не махрам,  
Манга не чора, не мархам, манга не сабру не сомон!

Бундай аянчли, ночор ахволимдан, дейилади кейинги байтда, жон чикар олдидан  
тортган фигонимдан, ўтлик нолаю охимдан бурксиб чикаётган тутун кайгу-хасрат  
гам-хонамни янада корайтириб, коронгулаштириб юборган:

Бу ахволи табохимдин, фигони умркихимдин,  
Хам ўтлук дуди охимдин карориб кулбаи ахзон!

Навбатдаги байт, шубхасиз газалнинг шохбайтидир. Унда пояма-поя баланд парда-га  
кўтарила борган шикоят, норозилик, коралов юкори чўккига чикади. Эндиликда яна  
ижтимоий рух олдинги ўринга ўтади — лирик «мен» «фалак»ни очикдан-очик карокчи,  
йўлтўсар, бору йўгини зўрлик билан шилиб олувчи «рахзан» дея коралайди, «замон» эса  
унга нисбатан «душман»нинг худди ўзи. Ана шу «рахзан» ва «душман»ларнинг ёвуз  
килмишларидан унинг аъзойи бадани «равзан уза равзан», яъни илма-тешик; худди шу  
«рахзан» ва «душман»ларнинг касрат-касифатидан жон ихтиёридан тан четда қолиб,  
тан мулкани жон тарк этган, бошқача айтганда, тандан жон, жондан тан айрилишга  
мажбур бўлган:

Фалак рахзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,  
Қолиб жон хисравидин тан, чикиб тан кишваридин жон!

Газалнинг сўнгги, яқунловчи байти факат ички кофиялигина эмас, балки ички радифли  
хамдир. У шоирнинг ўзига таскин-ўғит аралаш мурожаати, хитоби тарзида битилган. Эй  
Навоий, дейилади унда, азоб-укубат, кайгу-мусибат канча кўп бўлса, ишрат жомини  
шодлик ва хушдиллик, хурсандчилик ва хуррамлик қадахини шу қадар кўп ичабер, чунки,  
барча кийинчилик ва мушкулликни ваҳдат майи осон қилади.

Навоий, бўлса мехнат кўп, ичокўр жомини ишрат кўп,  
Неча бўлса суубат кўп, килур ваҳдат майи осон!

Навоийнинг бу газали мохиятан инсоний кадр-киммат, шаън-шараф, эрк-хуқуқнинг поймол этилишига қарши қучли норозилиқни лирик воситаларда жуда таъсирчан ифодалайди. Ижтимоий адолатсизликдан, ёвуз қучларнинг зўравонлигидан дардли шикоят исёнкор рух билан уйғунлашиб кетган бу газал бадиий жихатдан ҳам баркамолдир. У кейинги асрлар ўзбек ва қардош туркий халқлар ижодкорларига баракали таъсир кўрсатган. Жумладан, буюқ озарбойжон шоири Фузулий меросида Навоий газалига ҳам мазмун ва ижтимоий рух, ҳам бадиий воситаларига кўра жуда яқин газал мавжуд Биз унинг факат бошланғич байтини келтириш билан чекланамиз:

Дўст бепарво, фалак берахм, даврон бесукун,  
Дард — чўх, ҳамдард — йўх, душман қавий, толе забун!

Навоийнинг бу газалига бир қатор ижодкорлар, жумладан, XIX аср бошларида<sup>1</sup> қалам тебратган иқтидорли шоир, Муқимий ва Фурқатнинг яқин дўсти Муҳаййир, шунингдек, Муҳйилар тахмис боғлаганлари маълум.

Абдурашид АБДУГАФУРОВ, филология фанлари доктори, профессор